



“02” 07 2020 y. № 01-06/1630

Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўз ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрлар), интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилаётган реклама ахборотларининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари амалга оширилмоқда.

Ўтказилган таҳлилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” ва “O'zbekiston” телеканаллари орқали “AL-HADAYA” қора седана ёғи рекламаси жойлаштирилганлиги, унда биологик фаол қўшимчалар (БАД) рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) ушбу маҳсулотлар истеъмолчининг тасавурида дори воситаси эканлиги ва даволаш хусусиятига эга эканлиги тўғрисида маълумотлар берилганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолатлар Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1024, 06.04.2001 й.) 19-банди ва “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси талаблари бузилишига олиб келиб, Агентлик томонидан реклама берувчи – “AL-HADAYA” МЧЖга нисбатан белгиланган тартибда иш қўзғатилган.

Ўз навбатида, реклама берувчига нисбатан иш қўрилиши, реклама тарқатувчи томонидан реклама тўғрисидаги қонун бузилиши содир этилишига ҳамда бундай ҳолат учун тегишли чора кўрмасликка асос бўла олмайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб Сиздан, реклама ахборотларини жойлаштиришда (тарқатишда), уларни реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилишингизни сўраймиз.

“Реклама тўғрисида”ги Қонунга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, яъни ногўғри рекламага олиб келувчи ахборотларни тарқатганлик учун реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчи белгиланган тартибда жавобгар бўлишини эслатиб ўтамиз.

Директор

Э.Хаитметов